



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 8 март, шанба № 38 (1463)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ**

**Тошқин ва сел оқимлари,  
кўчки ҳодисаларининг  
олдини олиш ва уларнинг  
оқибатларини тугатишга  
доир кечиктириб  
бўлмайдиган чора-  
тадбирлар тўғрисида**

2002 йил декабрида республиканинг асосий дарёлари ҳавзаларида ёққан ёгингарчилик микдори ўртача йиллик нормадан ортиқ бўлди. Ўзбекистон Республикаси «Бошгидромет» бошқармаси маълумотларига кўра баҳор-ёз ойларида кўпгина сойларда тошқин ва сел оқимлари ўтиши, шунингдек кўчки ҳодисалари кўтирилмоқда.

Ҳавуулда вазиятлар оғир оқибатларининг олдини олиш, моддий зарарни ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳаражатларини қамқатириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор килади:

1. Тошқин ва сел оқимларини ҳавф-хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича Ҳукумат комиссияси ташкил этилсин.

2. Ҳукумат комиссияси тегишли вазирликлар, идоралар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

иқкки ҳафта муддатда кўчки ва сел оқимлари ҳодисалари оқибатларининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқсин ҳамда уларнинг тегишлилигига кўра ўз қулиари ва маблағлари ҳисобига бажарилишини таъминласин; жорий йилнинг 10 апрелигача ҳавфилик даражасидан ҳамда ҳўжаликлар, объектларнинг Давлат геология кўмитаси ҳамда «Бошгидромет» бошқармаси хизматлари томонидан тайёрланган ва вилоятлар ҳокимликлари берилган рўйхатга мувофиқ сел, тошқин-кўчки зоналаридаги шахарчалар, қишлоқлар ва ҳўжаликлар аҳолисини бошқа жойга қўчириши;

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар пайдо бўладиган масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун кеча-кундуз фаолият кўрсатувчи штаблар ташкил этсинлар, штаблар иштрёрга зарур микдорда автотранспорт, ёнчилги-моллаш материаллари ва алоқа воситалари ажратсинлар. Тошқин ва сел оқимлари ўтадиган зоналарда ҳавфи участкаларни аниқлашлар, уларда кеча-кундуз навбатчилик ташкил этсинлар ва тегишлилигига кўра халқ ҳўжалиги объектларини сақлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!  
Азиз опа-сингиллар!  
Суюкли қизларим!

Бугун, баҳорнинг илохий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, янгилик бораётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолинингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ айём - 8 март байрами билан муबारакбод этиш, кўпчилик қаторида сизларга ўз ҳурмат-эҳтиромимни изхор қилиш менга катта қувонч ва мамнуният бағишлайди.

Биз дунё гўзалигини, ҳаёт фалсафаси ва маъно-мазмунини авваламбор аёл сиймосида, унинг фидойи қалби, вафо ва садоқатида кўраимиз, ҳис этамиз.

Маълумки, ҳар қайси инсон аёл зотига бўлган меҳр-муҳаббатини изхор этиш учун беихтиёр шеърият, назм оламини муружоат қилади. Шу маънода буюк мутафаккир Алишер Навоий Бобомизнинг:

Чун азалдин шаҳи ҳаҷон сизсиз,  
Бўлмасун бир нафас ҳаҷон сизсиз,  
- деган ўлмас сатрлари барчамизнинг дилимиздаги ҳис-туйғуларни ёрқин ифода этади.

Биз аёл зотини Оллоҳ таолонинг беқиёс мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Чиндан ҳам, тарихимиз ва бугунги кунимизга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу таъриф замирида асрлар, минг йиллар давомида ҳаётимизда тоғдай таянч ва сунъч бўлиб келадиган аёл сиймосига мансуб буюк қаҳқат мужассам эканини англашимиз қийин эмас.

Нега деганда, одамзот машаққатли синовларни енгиб ўтиш, Фарҳод каби қўлларга сув чиқариш, оламшумул кашфиётлар яратишдек улғувор ишларни ўзига тасаввур этиши мумкин. Аммо ҳеч қачон, ҳеч қачон бичи нарсани тасаввур қила олмайди: аёлисиз ҳаёт йўқ ва бўлмайди ҳам.

Шу боис халқимиз, миллатимизнинг

тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, уни ҳимоялаш, керак бўлса, бутун борлигини аёл учун бахшида этиш ўзини эр йигит деб билган ҳар бир инсон учун наинки машхур дostonларда, балки ҳаётнинг ўзида ҳам шарафли бир иш, мардлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлиб келган.

Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг янги ҳаёт, янги ҳаётимиз барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлиш ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз халқиға садоқатли ёш авлодни тарбиялашда, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда тинчлик-осойишталик, қўт-барақа ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган катта хизматларингиз ва сабру бардошингизни Ватанимиз юксак қадрлайди.

Истиқлол йилларида хотин-қизларимизнинг жамиятга нуфузини кўтариш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиш бериш борасида кўп ишлар қилинаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Бу фикрнинг тасдиғини нафақат марказда, юртимизнинг олис туманлари, шаҳар ва қишлоқларида ҳам аққол кўриши мумкин.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодий ва маданий бarchа тармоқларида, маданият, илму фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес, ҳусусий тадбиркорлик фаолияти каби бугун замон ва бозор муносабатлари талаб қиладиган соҳаларда ҳам опа-сингилларимизнинг фаол иштироки ва нуфузи тобора кўчаийиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибمиз.

Биз ёруғ келажакимизни қуриш, ривожланган давлатлар қаторидан муно-

сиб жой олиш, ҳеч қандай кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришишга қаратилган дастурларни амалга ошириш эканмиз, юртимизда аёл зоти учун ман қилинган, улар қатнашмаётган бирон-бир тармоқ ёки соҳа бўлмағлиги даркор. Аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бу йўлдаги барча сунъий ғов ва тўсиқларни, ҳар қандай чекловларни бартараф этиш, хотин-қизларга менсимай қараш каби ўтмишдан қолган салбий одатларга бутунлай барҳам беришга бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб қарашимиз керак.

Бу борада қиладиган хайрли ишларимиз, жумладан, ёш истеъод соҳибалари учун Зулфия мукофотини таъсис этганимиз ҳам ҳаётга катта орзу-интилишлар билан кириб келадиган қизларимизга ўз имконият ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда кўмак ва мадад бериши мукярар.

Мен ана шундай сазй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, шубҳасиз, ҳар қайси туман, вилоят ҳокимликлари ва марказий идоралар раҳбарларининг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчиға айланиши даркор, деб биламан.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бориши билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳусусан, ҳомиладор аёлларга ғамхўрлини кучайтириш, соғлом фарзандлар дунёга келиши учун тиббий масканлар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, ёш болали оилаларга давлат ва жамият томонидан кўрсатиладиган эътибор ва ёрдамнинг самарасини ошириш масаласи ҳам доимо диққатимиз марказида бўлиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг кўпчилиққа маълум бўлган фикрини давом эттириб, мен «Соғлом авлод ўстирадиган юртинг келажак буюк ва қудратли бўлур» деган қараш умумийлиги ширимизга айланиб қолишини истардим.

Бу борада шу йилнинг ўзида амалга оширадиган режаларимиз, ҳусусан, «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган амалий вазифалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, фурсатдан фойдаланиб, нафақат бугунги кунимизни, айни пайтда келажакимизни ҳам белгилаб берадиган бир фикрни, яъни аёлларга қанча ғамхўрлик қилмайлик, барибир уларнинг олдида ҳаммиша қарздоримиз, деган фикрни билдириб, юртимизнинг барча ўғлонларини, авваламбор, катта-кичик раҳбарларни ана шундай тушулча ва гоғлар билан яшашга даъват қилмоқчимман.

Қадрили опа-сингиллар!  
Бетақрор юртимизда баҳор ва бахт айёми бошланаётган мана шу унутилмас дамларда юрагимда барча аёлларимизга бўлган ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғусини ана бир бор изхор этишга ижозат бергайсиз.

Агарки мендан, дунёдаги энг зебо, энг латофатли, оқила аёллар, сулув ва дилбар қизлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иқиланмай, гуруру ва ифтихор билан «Муътабар Ўзбекистонимиз заминида» деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳамиша эзгулик ва шафқат, меҳроқибат ва садоқат тимсоли бўлган сиз, азизларимиз, жажжи гўзалиқ ва нафосат байрами билан чин дилдан қутлар эканман, барчангизга сийҳат-саломатлик, хонодонларингизга файзу барақа тилайман.

Табарруқ оналаримизнинг умрлари узок бўлсин! Азиз опа-сингилларимизнинг орзу-умидлари ушалсин! Ёш қизларимиз, жажжи невараларимизнинг иштаклари рўёбга чиқсин!

Мунис чехраларингиз доимо шодлик ва табассум нуридан мунаввар бўлсин. Кириб келадиган баҳор нафаси барчангизга бахт ва саодат келтирсин.

**Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Словакия Президенти Рудолф Шустер 7 март кўни Самарқандга келди. Юксак мартабали меҳмон шахарнинг тарихий-меъморий ва маданий обидаларини зиёрат қилди. Истиқлол йилларида бунёд этилиб, Самарқанд ҳуснига кўрк бағишладиган янги ишоотлар ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўздан кечирди.

Словакия раҳбари айниқса Регистон мажмуидан катта таассурот олганини таъкидлади. Р.Шустер миллий ҳунармандлик буюмлари кўрғазмасини катта қизиқиш билан кўздан кечирди. Сиеб бозорида сазоватли заманимизда этиштирилган ноз-неъматлар ва Самарқанднинг машхур нонларидан татиб кўрди.

Куннинг иккинчи ярмида рлий мартабали меҳмон «Очлик осмон остидаги музей» дея таърифланадиган яна бир қадимий шаҳримиз -Бухорога ташриф бурюди. Словакия раҳбари бу ердаги маданий ёдгорликлар, кўҳна обидалар билан танишди. Шаҳар зиёрати асносида меҳмон шарафига маҳаллий санъаткорлар ижросида миллий куй ва қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди.

Шу билан Словакия Президенти Рудолф Шустернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳосига етди. Таъкидламоқ жоизки, ўтган мулоқотлар жуда самарали бўлди. Эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтаришига шубҳа йўқ. Бунга Р.Шустернинг куйдаги сўзларидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин:

«Ўзбекистонга мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун келган эдим. Ташриф самарали бўлди. Ислом Каримов билан ҳамкорлигимизнинг турли жиҳатларини муҳокама қилдик. Ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларнинг истиқболи порлоқдир.

(ЎзА).



### ЭЪТИРОМ

Баҳор - байрамлар фасли. Мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланадиган 8 Март байрамини фарғоналик хотин-қизлар ўзгача бир кайфиятга кўтяпти. Фарғона нефтин қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси иссиқхоналарида аёллар байрамига атаб анвойи гуллар ўстирилмоқда.

Вилоят аҳолисининг эллик бир фойзини хотин-қизлар ташкил этади. Шуни инобатга олиб, ҳар бир аёлга алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатиш мақсадида байрам дастури ишлаб чиқилди.

Байрам арафасида бир гуруҳ шифокорлар Езёвон туманидаги энг чекка Тақали қишлоғида бўлиб, аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиб қайтди. Вилоятдаги умумтаълим муассасалари, олий ўқув юртларида халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб «Муқаддас аёл», «Оналарни шарафлаймиз», «Оқила қизлар» мавзусида мушоира ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Талқин этилади.

Кўрғазмадаги кўпгина асарларда аёллар сиймосини ошига эътибор қаратилади. Зотан уларда расомлар дунёқараш очиб берилган. Ҳусусан, Н.Орипова «Суворалар» асариди Шарқнинг гўзал жангчи аёллари образини яратган. Улар қўлирида ей билан от чоптириб кетаётган ҳолда тасвириланади.

## БАХТИНГ БОР ДЕБ ЭСАДИ ЕЛЛАР

Дунёда жамият ёки давлатнинг нуфузини белгиладиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қандай замонда, жамиятда халқнинг маънавий камолотини

нари илғор тажрибаларни омаллаштиришда муҳим аҳамият касб этиди. Мамлакатимизга ташриф бурюрган Халқаро Меҳнат Ташкилоти делегацияси аъзолари эса касба уюшмаларимиз фаолиятига, уларнинг меҳнаткашлар ҳаётида тутган ўрни ва мавқеиға яхши баҳо бердилар. Меҳмонлар диёриэмизда аёллар манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида уларнинг ижтимоий ҳимояларини қучайтирувчи қатор имтиёз ва қўлайликлар яратилганлигини мамнуният билан эътироф этдилар. Буларнинг ҳаммаси биз - касба уюшма вакиллари кун сайин унутмироқ, самаралироқ меҳнат қилишга чорлайди.

Раҳбар РАҲМОНОВА,  
ЎзКУФК халқаро ишлар бўлими мудир.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан «Аёл маънавий мавзусида кўрғазма очилди. Унда поштахтада яшаб ижод қиладиган расом аёллар асарларини намойиш этилмоқда.

Кўрғазмадан дастохли рангтасвир, графика, бадий фото, қўлчилик, тошдан ясалган майда пластик асарлар ўрин олди.

## ҲАЁТГА МУҲАБАТ

Ҳар йили байрам арафасида аёл расомлар иштирокида кўрғазма намойиш этиш аниъанаға айланиб қолди, - деди кўрғазма марказий зали директор ўринбосари Лайло Жўраева «Туркистон-пресс» муҳбириға. - Кўрғазмада таниқли расом аёллар Г.Марвинцева, Л.Салимновова,

Л.Содиқова, Р.Ғоговаларнинг натортмот жаридиға асарлари намойиш этилмоқда. Асарларда томошабин расомлар иқтидорини ва маҳоратини уйғунлашиб кетганлигини гувоҳи бўлишди. «Аёл маънавий», «Кунгабоқар», «Настарин», «Нилуфар билан натортмор» номли асарларда ҳаётга муҳаббат



Ўзида ёрқин намоён этадиган бир ўлчов бор. У ҳам бўлса, ўша халқнинг аёлларга бўлган муносабатида яққол намоён бўлади. Мамнуният билан таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон касба уюшмалари таркибида кўпдан-кўп жонқуяр, иқтидорли, изланувчан ва ташаббускор хотин-қизлар садоқат билан меҳнат қилмоқдалар.

Саодат соҳибаларининг бир вақилиси сифатида рўй бераётган кўпдан-кўп қувончли ўзгаришларга ўзим гувоҳман. Яқинда ЎзКУФК йўлланмаси билан Японияда бўлиш насиб этди. Ажойиб мамлакатда мустақил Ўзбекистон, ҳусусан, унинг хотин-қизлари ҳаётига қизиқиш ғоятда катта экан. Анжуманларда, ўзаро суҳбатларда мамлакатимизда меҳнат кишисиға яратилётган имтиёзлар, ижтимоий ҳимоя ҳамда хотин-қизларимизнинг жўшқин меҳнати ҳақида тўқинланиб ҳикоя қилдим. Президентимиз бошчилиғида амалга оширилётган том маънодаги инсонпарварлик сийсати, турли жаҳбалардаги ислотлар қандай самаралар бераётганлигини ҳаётини мисоллар орқали ҳикоя қилдим.

Давлатимиз томонидан қонунийлик неғизининг

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида

(Боши 1-бетда)

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Давсувхўжалиқназорат» инспекцияси жорий йилнинг 1 апрелигача барча сув омборларининг ҳолатини текшириб чиқсинлар ҳамда уларнинг иш режими устидан назорат ўрнатсинлар. Каналлар, илшоотлар, сел ўтайдиган жойлар ва дамбаларнинг сел ва тошқин сувларини ўтказишга тайёрлиги текширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология кўмитаси:

хавфли кўчки участкалари фаоллашуви ҳамда ўпирлишлар пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналарни аниқлаштирсин, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларини ўз вақтида ишончли ахборот билан таъминласин;

кўчки жараёнлари ва ўпирлишлар билан боғлиқ бўлган факулдада вазиятлар пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналардаги кўлларни кузатиш учун ишончли алоқа ва хабар бериш тизимлари билан жиҳозланган ва таъминланган вақтинчалик постлар ташкил қилсин;

вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига хавфли гидрометеорологик ҳодисалар хавфи зонасидаги хўжалиқлар ва объектлар, шунингдек уларни ҳимоя қилиш бўйича тавсия этиладиган тадбирлар рўйхатларини ўз вақтида берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жорий йилнинг 15 майгача қўшни давлатлар ҳудудидagi республика учун хавф солувчи ёриб чиқиш хавфи бўлган қўллар ва селларни келтириб чиқарувчи участкаларни кузатиш учун авиация ишларини олиб боришга Қирғизистон Республикаси ва Тожикис-

тон Республикаси ҳукуматларининг рухсатномаларини олиш масаласини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Фавкулдада вазиятлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Бошгидромет» бошқармасига Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 60 млн. сўм ажратсин;

хавфли зоналар, шунингдек баланд тоғлардаги ёриб чиқиш хавфи бўлган қўллар устида мунтазам равишда назорат учишлари олиб борсин ва уларнинг ҳолатини текширсин;

жорий йилнинг 1 июнигача Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда баланд тоғлардаги, ёриб чиқиш хавфи бўлган қўллар, шу жумладан чегара зоналаридаги қўлларни кузатиш учун ишончли алоқа ва хабар бериш тизимлари билан жиҳозланган ва таъминланган вақтинчалик постлар ташкил қилсин;

вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига хавфли гидрометеорологик ҳодисалар хавфи зонасидаги хўжалиқлар ва объектлар, шунингдек уларни ҳимоя қилиш бўйича тавсия этиладиган тадбирлар рўйхатларини ўз вақтида берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги шикастланган аҳолига шойлиқчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббий ёрдам пунктларини зарур миқдорда тайёрлаб қўйсин, уларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминласин. Дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари ва эпидемияга қарши воситалар захиралари яратилсин.

10. «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» компаниялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларини бир ой муддатда қўр кўчиси, сел ва тошқин зоналаридаги иморатлар, уй-жойлар, човро моллари, фуқароларнинг шахсий мулки, фермер ва ширкат хўжалиқларини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги объек-

ларини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича шартномалар тузиш ишларини олиб борсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги: қўр кўчиси, сел, тошқин даврида вазирликнинг шахсий таркибини кучайтирилган иш тартибига ўтказсин, жойларда кеча-кундуз навбатчиликни ташкил этсин, шунингдек аҳолини шойлиқчи хабардор қилиш учун уларни ишончли алоқа воситалари билан таъминласин;

жорий йилнинг 1 апрелигача вазирликнинг шахсий таркибини кучайтирилган иш тартибига ўтказсин, жойларда кеча-кундуз навбатчиликни ташкил этсин, шунингдек аҳолини шойлиқчи хабардор қилиш учун уларни ишончли алоқа воситалари билан таъминласин;

хавфли участкаларни аниқлаш ҳамда ўпирлишлар пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналарни аниқлаштирсин, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларини ўз вақтида ишончли ахборот билан таъминласин;

кўчки жараёнлари ва ўпирлишлар билан боғлиқ бўлган факулдада вазиятлар пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналардаги кўлларни кузатиш учун ишончли алоқа ва хабар бериш тизимлари билан жиҳозланган ва таъминланган вақтинчалик постлар ташкил қилсин;

вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига хавфли гидрометеорологик ҳодисалар хавфи зонасидаги хўжалиқлар ва объектлар, шунингдек уларни ҳимоя қилиш бўйича тавсия этиладиган тадбирлар рўйхатларини ўз вақтида берсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси  
Тошкент шаҳри,  
2003 йил 7 март  
**И. КАРИМОВ**

# ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» марказида мамлакатимизда Обод маҳалла йилига амалга оширилиши зарур бўлган маънавий-маърифий ишлар тарғиботи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти асосларини қарор топтириш, миллий қадриятимизни асраб-авайлаш, келажак авлодни баркамол инсонлар сифатида вояга етказиш каби умуммиллий вазифаларни ҳал қилишда ўзини ўзи бошқаришни нобўз бўғини, ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган маҳалланинг муносиб ўрни бор. Шу боис юртимизда маҳаллаларни ривожлантириш, уларнинг мақоми ва нуфузини янада оширишга алоҳи-

да аҳамият берилмоқда. 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилинган ҳам фикримизнинг яққол исботидир.

Йиғилишда «Обод маҳалла йили» дастурида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан кўзда тутилган ишларни янада самарали амалга оширишда маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари тугган ўрни ва вазифалари хусусида фикр юритилди.

Айниксан, бу борада маҳалланинг халқимизнинг маънавий-руҳий олами, онги ва тафаккурини тўри шакллантириш, одамларнинг боши-ни қуватириш, турар-жойларда

тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, шунингдек, жамият тараққиётининг бошқа муҳим масалаларини ҳал қилишда тугган муҳим ўрнига аҳамият бериш зарурлиги ўқтириб ўтилди.

Тарғибот-ташвиқот ишларида, шунингдек, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган кекса зиёилар, нафақада бўлган отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёт тажрибасига суяниш лозимлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

(ЎЗА).

### Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон халқ шоири

## ЎЗБЕК ОНАСИ

Муштилар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,  
Куйинчак ҳам ўзинг, қуёқ ҳам ўзинг.  
Оламга татириқ суюқ ҳам ўзинг,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сени Тўмарис деб, мақтаганим бор,  
Сен Темури бешигин тебратган бедор,  
Сенсан Бибиҳоним, Нодираи зор,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Ватани Она деб бекор айтилмас,  
Она буюрганда йўлдан қайтилмас,  
Сен ўзинг Каъбамсан, Байтул муқаддас,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Бошингдан нималар ўтмади ахир,  
Ватандек тақдиринг бўлди гоҳ тахир,  
Бобур шоҳ бўлсанг, қошингда фақир,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.



Гоҳида балқидинг Барчиндек тўлиб,  
Ғуздек қуридинг Турсун ой бўлиб,  
Тимсолинг яловда юлдуздек қулиб,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Фарзандинг қувонса - сен ҳам қувондинг,  
Фақат болам дединг, яшадинг, ёндинг,  
Ноқаси учраса, ўртандинг, тондинг,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Келажак тойчоғу тойингиздадир,  
Жаннат ҳам, албатта, пойингиздадир,  
Ватан-ку Сиз турган жойингиздадир,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сизга таъзим қилиб турибман бу пайт,  
Сизга жазидадир энг шоҳона байт,  
Азиз Юртбошимга дуоларинг айт,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

## ГЎШАЛАРГА ЧИРОЙ БАҒИШЛАБ

Маълумки, 10 февралдан 10 мартгача республикамиз бўйлаб «Орол бўйи оналари ва болалари» мавзуида муҳим тадбир ўтказилмоқда. Умумреспублика экологик кунларида касабани таъминлаш бўйича қаратилиши муҳимдир.

Бухоро вилояти касабани уюшмалари меҳнат жамоаларининг бу ишда кенг ва фаол иштирок этишларини таъминлаш юзасидан ўзининг аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқди. Ҳозир вилоят ҳудудида оммавий хашарлар ва шанбалиқлар ўтказилаётди. Шунингдек, қизиқarli суҳбатлар уюштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Тасвирий санъат намояндаларининг экологик мавзулардаги асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Ҳаммадан ҳам ушбу тадбирда кўкамзорлаштириш идораларининг вакиллари, ўрмон хўжалигининг ходимлари зиммаларига катта масъулият юклатилганиги сезилиб турибди. Улар буюртмалар асосида корхона, ташкилот ва муассасаларга керакли миқдорда кўчатлар етказиб беришмоқда.

Вилоят касабани уюшмаларидан олинган маълумотларга кўра, соғлиқни сақлаш ходимларининг ишдаги жонқурлиги ва ташкилотчилиги яққол сезилмоқда. Улар ҳар бир деволлаш муассасасининг атрофи кўркәм ва обод бўлиши учун самарали меҳнат қилмоқдалар. Биргина ободлаштириш ва кўкамзорлаштириш ишларида 10 миң нафардан ортиқ шифокор қатнашмоқда.

Ҳозирга қадар кўлаб мевали ва манзарали кўчатлар, гуллар ўтказилди.

Усмон НАВРЎЗ,  
«Ишонч» мухбири.



## ТАШАБУС!

Обод маҳалла йилида Жалолқудуқ туманидаги Н. Эсонов номли ширкат хўжалиги жамоаси ажойиб ташаббус билан чиқди.

Утган йилда қишлоқ хўжалигидан олинган даромадлар ҳисобидан турта маҳалла ва битта қишлоқ фуқаролар йиғини биноларини таъмирлашга қарор қилинди. Айни пайтда қишлоқ фуқаролари йиғини биноси ва милиция таянч пункти биноси тўла таъмирдан чиқарилиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланди.

Эндиликда қурувчилар маҳалла кўмиталари биноларини таъмирлашга киришди. Жамоанинг яхши ташаббусига бошқа хўжалиқлар ҳам қўшилибди. Хусусан «Дўстлик» ширкат хўжалигида меҳмонхона маҳалла ихтиёрига бериладиган бўлди. Маъмурий бинонинг бўш хоналари таъмирланди, ёшлар бокси ва стол теннисини ўрганмоқда.

**"МУСТАҚИЛЛИК"НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ**

Андижон туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалиги ўтган йил мобайнида кам таъминланган оидаларга, шунингдек мактаб ва болалар боғчаларига 188 миллион сўм миқдорда бегараз ёрдам кўрсатди.

Фермер Хабибулло Махсумов иккита мактаб барпо қилди. Тумандаги Меҳрибонлик уйига 2 миллион 250 миң сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Дехқонлик ва чорвачилиқдан келаётган даромадлар эвазига асфалт заводни қурди. Шунингдек, автожамланма ва МТП ташкил этди. Ҳозирда фермерлар ихтиёрида 11 та трактор, 6 та экскаватор, 3 та автокран ва 20 та юк автомобиллари мавжуд.

«Туркистон-пресс».

Хур Ўзбекистонимизда амалга ошириладиган ислохотлар, яратувчилик ишларида аёлларимизнинг тугган ўрни бекибсиз. Ҳаётимизнинг қайси бир жабҳасига қарамайлик аёл ақл заковати, но-зик диди, теран фикри, салохиятининг самарасини кўраймиз. Уларни ҳар қанча улуғласак оз. Истиқлол йилларида аёлларга бўлган эътибор юқори поғонага кўтарилди. Касаба уюшмалари ҳам ушбу жараёнда хотин-қизлар манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя этиш билан бирга халқро майдонда ўз салоҳиятларини намойиш этишлари, билим ва савияларини ошириш, маданий-маънавий юксалтириш, ўзлари ва оила аъзоларини соғломлаштириш, спортга жалб этишда кенг имкониятлар яратилмоқда.

Бу йилги хотин-қизлар байрами 8-март арафасида улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш Ўзбекистон касабани уюшмалари эътиборидан четда қолгани йўқ. Бу илиқлик ҳар бир бош-

## Касаба уюшма тадбири

шаҳар халқ таълими бўлимида ҳам бўлиб ўтди. Тизимда меҳнат қилаётган педагог аёллар ва 20 нафар касабани уюшма фаоллари моддий рағбатлантирилди. Шаҳар халқ таълими бошқармаси касабани уюшмаси томонидан «Сен мўътабарсан, муқаддас аёл» номли унутилмас тадбир ўтказилди.

Қашқадарё воҳасида баҳорнинг илк байрами нафаси маданий саройлари, клублар, оммавий кутубхона ва ўқув юртлирида ўзига хос жозиба касб этди. Уларда ушбу санага бағишладиган маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Вилоятдаги ишлаб чиқариш илгөрлари, тадбиркор аёллар, ижодкор хотин-қизлар билан учрашувлар, адабий-бадий кечалар таш-

Аксарият корхона ва ташкилотларда хотин-қизларнинг жамиятда тугган ўрни, гендер тенглиги каби мавзуларда амалий машғулотлар, «Никоҳ шартномаси деганда нима ни тушунасиз?» мавзуида давра суҳбатлари, «Иқбол», «Она ва бола» кўрик-танловлари ташкил этилди.

Байрам муносабати билан Муруват уйда яшайётганлар, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кўп болали ва кам таъминланган оидалар, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ҳамда пенсиядаги аёллар учун хайрия тадбирлари ташкил этилиб, уларга совға саломлар топширилди.

Муҳаббат  
ЎРМОНБЕКОВА,  
ЎЗКУФ матбуот  
котиби.

## САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

ланғич ташкилотга етиб борди. Хусусан, Фарғона вилоят касабани уюшмалари Кенгаши, тармок кўмиталари вилоятдаги кўлаб корхона ва ташкилотлар томонидан меҳнатчи аёлларнинг моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Байрам арафасида Бувайда тумани «Матлуботсавдо» хиссадорлик жамияти фахрий онахонлар, ўз касбининг моҳир усталари иштирокида «Жаннат оналар оёғи остида» мавзуида учрашув ўтказди. Худди шундай байрам тадбири Фарғона

ларининг байрам концерт дастурлари ташкил этилди. Пенсиядаги онахонлар, фахрийлар сафида меҳнатлари роҳатини тотаётганлар ҳам касабани уюшмалари меҳрибонлигини ҳис этмоқдалар. Бағдод тумани «Матлуботсавдо» хиссадорлик жамияти бошқаруви ҳамда касабани уюшма кўмитаси фахрий онахонлар, ўз касбининг моҳир усталари иштирокида «Жаннат оналар оёғи остида» мавзуида учрашув ўтказди. Худди шундай байрам тадбири Фарғона

# ЖАМИЯТ, ОИЛА ВА АЁЛ

**Аёл оналик меҳри билан қалбларни ёритувчи қудрат тисмоли. Шу боис ҳам дунёдаги жамики яхшиликлар аёл номи билан атибли.** Ватан, халқ, муқаддас замин тушунчалари она сўзи билан сайқалланиб, улугланади. Мустақил Ўзбекистонимиз илк қадамини Аёлга, Онага эъоздан, ҳурматдан бошлаганининг ҳам рамзий маъноси бор. Негаки, ҳар қандай давлатнинг маънавияти Аёлга муносабатда акс этади. Адолатли, демократик, инсонларвар жамият барпо этиш йўлидан бораётган юртимизда эса хотин-қизлар ҳар томонлама муҳофизатланган, оналик ва болалик саодати давлат ҳимоясида. Президентимизнинг «Ҳар қандай жамоани, ҳар қандай жамиятни явалло аёллар обод этади», деган

сўзлари уларнинг жамиятда, оилада тутган ўрнини янада кўтарди. Айна дамла республика касабга уюшмалари тизимида минглаб фидойий аёллар фаолият кўрсатиб, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар орасида ташкилотчи раҳбардан тортиб тадбиркор фермерларгача, иқтидорли, билимдон ёшлардан тортиб етук олимларгача, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан ходимлари каби турли касб эгалари бор. Тараққиётнинг янги босқичида фаолият кўрсатаётган аёллар қандай орзу-интилишлар билан меҳнат қилишмоқда? Улар жамият оила ва фарзандлари олдидаги бурчларини қандай илроқ этаётдилар.

**Муборак байрам арафасида мухбиримиз ана шундай саволлар билан касабга уюшма фаолларига муурожаат қилди.**

## Бизнинг истеъдодлар

**Аёлларсиз ҳаётни ҳам, тараққиётни ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Чунки аёл дунёдаги жамики гўзаллик, яхшилиги эзгуликларга тисмол бўлган эот. Уларнинг покиза қалби тафтида миллат уйғонади, ниятлари силсиласида улуг гоьлар, оламшумул ихтиролар яралади. Шу боис ҳам аёллар жамиятнинг етакчи кучи, донишманд мураббийси, меҳрибон ва окила тарбиячиси дид.**



«Кизлар давраси» кўрсатувининг доимий хомийларидан бирига айланди. Кўрсатув ташкил этилганига 30 йилдан ошди. Ушбу кўрсатувнинг ташкилотчиси ва доимий бош режиссёри Лутфия опа Рўзи- хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Ушбу кўрсатув республика телевидениеси тарихида илк бор хорижа- чикди. Италияда ўтказилган Халқаро ёшлар фести- валда иштирокчи кизлар билими, иқтидорли оркали намойиш қилинмоқда.

Ушбу кўрсатув қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, дунёқароши, истеъдодини ўстиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда «Кизлар давраси» нафа- қатда Ўзбекистонда, балки


